Қорақалпоғистон Республикаси
Хўжайли тумани ҳокими
ҚАРОРИ

Қарақалпақстан Республикасы
Хожели районы ҳәкими
ҚАРАРЫ

231300, Хўжайли тумани, Мустақиллик кўчаси 14-уй Тел.: (8-361) 554-15-52 Факс: 554-12-72

2018 йил «19» январь **№74/01**

«Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарни техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2013 йил 25 апрелда 2452 сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги 58 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида» Низоми талабларидан келиб чиқиб, туманда 2018 йил қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида ҳамда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидагилар;

а) Туман худудидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб ускуналарни техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби 1 иловага;

б) тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 2 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссиясига:

а) мулкчилик шаклидан қатъий назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш бўйича иш-режаси юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

б) техник талабга жавоб бермайдиган техник носоз техникаларни ишлатишни қатъиян ман қилиш;

в) техник кўрик давомида қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналари мавсумга тайёргарлиги, ҳар бир тракторчи машинистнинг тегишли техникани бошқариш учун рухсат этилган тоифанинг мавжудлиги, техникаларнинг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилганлигига ва бошқа техник талабларга жавоб беришига эътибор қаратиш;

г) техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Тумандаги барча фермер хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхона, ташкилот, тижорат банклари раҳбарлари ва маҳалла раисларига:

а) ҳисобида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, асбоб ускуналарни техник кўрикдан ўз муддатида ўтказиш учун тайёрлаб, белгиланган майдончаларга йиғиш;

б) техник кўрикдан ўтказилган ҳар бир техника учун ундириладиган йиғимни ўз вақтида тўлашни таъминлаш;

в) ҳар бир маҳалла ўз ҳудудидаги шахсий техникаларни техник кўрикдан ўтишини ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

4. Туман ҳокимининг иқтисодий ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари П.Алламуратовга:

тумандаги корхона, ташкилот, машина-трактор парки очиқ акциядорлик жамияти, мукобил машина трактор парклари, фермер хўжаликлари ва фуқароларда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, асбоб ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган йиғимларни тўлашга амалдаги тартибларга асосан амалий ёрдам бериш топширилсин.

5. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг иқтисодий ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари П.Алламуратов зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор «Хожели ҳақыйқаты» газетасида расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Хўжайли тумани ҳокими: NUSQASÍ DURÍS **Д.Кайпов**

Хўжайли тумани ҳокимининг
2018 йил “19” январ кунги
74/01-сонли қарорига
1-илова

Туман ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб ускуналари техник кўрикдан ўтказувчи туман комиссияси таркиби

Е.Калмуратов	туман қишлоқ хўжалиги техникалари давлат инспектори, комиссия раиси

комиссия аъзолари:

К.Изимбетов	Хўжайли тумани МТП АЖ директори
Н.Курбанов	Хўжайли ДУК унитар корхонаси бош муҳандиси
А.Халмуратов	Суенли ИТБ 4-сонли Хўжайли бўлими муҳандиси

Эслатма: Ушбу комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган ҳолда, ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс комиссия аъзоси бўлиб ҳисобланади.

Хўжайли тумани ҳокимининг
2018 йил “19” январ кунги
74/01-сонли қарорига
1-илова

Туман ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг йиллик техник кўрикдан ўтказиш иш режаси

т/р	Техника номи	Техника русуми	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1	Қишлоқ хўжалиги техникалари	Тракторлар	10 кун давомида	Қишлоқ хўжалиги техникалари жойлашган ҳудудлардаги ММТП гаражлари	01.03.2018й.дан 10.03.2018й.гача
		Трактор тиркамалари	8 кун давомида		11.03.2018й.дан 18.03.2018й.дан
		Шоли ўриш комбайнлари	10 кун давомида		01.03.2018й.дан 10.03.2018й.гача
		Маккажўҳори ўриш комбайнлари	6 кун давомида		19.03.2018й.дан 24.03.2018й.гача
		Пахта териш комбайнлари	2 кун давомида		25.03.2018й.дан 27.03.2018й.гача
		Ем хашак ўриш комбайнлари	3 кун давомида		01.04.2018й.дан 03.04.2018й.гача
		Силос ўриш комбайнлари	8 кун давомида		11.03.2018й.дан 18.03.2018й.гача
		Плуг	4 кун давомида		04.04.2018й.дан 07.04.2018й.гача
		Чизел	3 кун давомида		01.04.2018й.дан 03.04.2018й.гача
		Культиватор	4 кун давомида		04.04.2018й.дан 07.04.2018й.гача